

Икки боланинг тақдирида қаламнинг ўрни



14:00 / 04.09.2021 6650

Бир куни адвокатлар бюросида ўтирган эдим. У ерда бир киши билан танишиб қолдим. Адвокатнинг қўлидаги ҳужжатларнинг жилдига «Ўта хавfli катта ўғри» деб ёзилган экан.

Мен у кишидан: «Қандай қилиб бундай ўғри бўлиб кетдинг?», деб сўрадим.

У кулимсираб: «Бунга онам сабабчи», деди.

«Қандай қилиб?», дедим мен.

У яна кулимсираб, шундай ҳикоя қила бошлади:

«Тўртинчи синфда эдим. Бир куни қаламимни йўқотиб қўйдим. Уйга келганимда онам буни билгач, мени қаттиқ калтаклаб, хунук сўзлар билан уришди, «Ландовур! Латта!» деб бақирди. Онамнинг бунчалик

қаттиққўллиги туфайли унинг олдиға қуруқ қўл билан қайтмасликка аҳд қилдим-да, эртаси куни синфдошларимдан бирининг қаламини ўғирладим. Қаламни ким ўғирлаганини ҳеч ким билмади. Бундан дадиллашиб, бошқа ўртоқларимнинг қаламларини ҳам ўғирладим. Аввалига ҳадиксираб ўғирлардим, аста-секин қўрқмай ҳам қолдим. Уста ўғри бўлиб кетдим, турли ҳийлалар ўргандим. Энг қизиғи, ўртоқларимнинг қаламини ўғирлаб, кейин яна ўзларига пуллардим. Бир ойдан кейин синфдошларимни тунаш менга қизиқ бўлмай қолди. Энди қўшни синфларга ҳам ўғирликка туша бошладим. Синфдан синфга ўтиб, охири мактаб мудирининг хонасига ўғриликка тушдим. Бу йиллар мен учун ҳақиқий ўғрилик мактаби бўлди. Кейинчалик тажрибам ортиб, катта ўғри бўлиб кетдим».

Иккинчи боланинг онаси шундай ҳикоя қилади:

«Ўғлим иккинчи синфда ўқир эди. Бир куни мактабдан бошқачароқ бўлиб келди. Сўрасам, қаламини йўқотиб қўйибди. Мен ундан: «Кейин нима қилдинг?», деб сўрадим. У: «Ўртоғимнинг қаламини олиб турдим», деди. «Яхши қилибсан. Ўртоғинг сенга қаламини бериб тургани учун сендан егуликми, шарбатми ёки пулми олдими?» дедим. «Йўқ, ҳеч нарса олмади», деди ўғлим. «Ундай бўлса, роса савобга қолибди-да! Қўли очиқ, яхши бола экан. Ўғлим, сен ҳам шундай қўли очиқ бўлгин, хўпми? Сен ҳам бошқаларга яхшилик қилсанг, сенга ҳам ана шундай савоблар, ҳасанотлар ёзилади», дедим.

«Қандай қилиб?», деди ўғлим кўзлари ёниб. «Сенга иккита қалам сотиб оламиз. Биттасида ўзинг ёзасан, иккинчисини «Савоблар қалами» деб атаймиз. Қайси синфдошинг қаламини эсидан чиқариб қўйган ёки йўқотиб қўйган бўлса, унга бериб турасан. Дарсдан кейин яна қайтариб оласан», дедим. Ўғлим бу таклифни эшитиб, хурсанд бўлиб кетди. Эртасига еттита қалам сотиб олдик, биттаси ўзиники бўлди, қолган олтитаси эса «савоб қаламлари» бўлди. Бир неча кундан кейин «Қалами эсидан чиқиб қолган ўртоғимга қалам бериб туриб, савоб олдим!» деб хурсанд бўлиб кириб келди. Буни қарангки, ўғлим мактабда ўқишни унчалик ёқтирмас, шунинг учун ўқиши ҳам бироз суст эди. Лекин савобга қалам бериб тура бошлаганидан кейин мактабни яхши кўриб қолди. Чунки энди мактабда уни ўқитувчилари ҳам, синфдошлари ҳам мақтаб бошлашди. Кимнинг қалами йўқ бўлса, ўғлимга айтадган бўлди. Ўқитувчилар ҳам бирорта ўқувчининг ёзмай ўтирганини кўриб қолса, «Қани фалончи, савоб қаламингни ўртоғингга бериб тур-чи» дейдиган бўлишди. Хуллас, ўғлимнинг ўқишлари яхшиланиб қолди. Ўқишга жон-дили билан берилиб

кетди. Ҳозир у университетни тамомлади, уйланди, Аллоҳ унга фарзандлар ҳам берди. Ўғлим «савоб қаламлари»ни ҳеч қачон унутмайди. Ҳозир у шаҳримиздаги энг катта хайрия жамғармасининг раҳбари».

Азизлар, фарзандларимизнинг тарбиясида ниҳоятда ҳушёр бўлайлик. Уларга мулойим муомала қилиб, ҳатто салбий воқеаларни ҳам бебаҳо тарбиявий усулларга айлантирайлик.

Доктор Абдуллоҳ Муҳаммад Абдулмуътийнинг

«Фарзандларимизни меҳр билан тарбиялайлик» китобидан

Таржимон: Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф